

INTERNATIONAL JOURNAL OF PHILOSOPHICAL STUDIES AND SOCIAL SCIENCES

ISSN-E: 2181-2047, ISSN-P: 2181-2039

<http://ijpsss.iscience.uz/index.php/ijpsss>

Vol 2, Issue 3 2022

JURAYEV SHERALI
G'ULOM UGLI

THE HISTORY OF THE BUKHARA MUSEUM IN THE
COLLECTION “FROM THE HISTORY OF THE CULTURAL
HERITAGE OF BUKHARA”

ИСТОРИЯ БУХАРСКОГО МУЗЕЯ В СБОРНИКЕ “ИЗ
ИСТОРИИ КУЛЬТУРНОГО НАСЛЕДИЯ БУХАРЫ”

“ИЗ ИСТОРИИ КУЛЬТУРНОГО НАСЛЕДИЯ
БУХАРЫ” ТҮПЛАМИДА БУХОРО МУЗЕЙ ТАРИХИ



sheralijurayev@mail.ru

BUKHARA STATE MUSEUM-
RESERVE
UZBEKISTAN

Annotation: This article presents information about the 100-year history of the Bukhara State Museum-Reserve, facts related to its exhibitions. The opinions expressed in the article are based on articles published in the scientific collection of the museum "From the history of the cultural heritage of Bukhara". The published articles in 11 issues of the collection are analyzed scientifically, and conclusions from them are presented.

Key words: Bukhara Museum, exhibit, history, P.E.Kornilov, Sitorai Mokhi-Khosa, Musa Saidzhanov, P.A.Goncharova, Ark, cultural heritage, exhibitions, Poikent.

Аннотация: В данной статье представлена информация о 100-летней истории Бухарского государственного музея-заповедника, фактах, связанных с его выставками. Мнения, изложенные в статье, основаны на статьях, опубликованных в научном сборнике музея "Из истории культурного наследия Бухары". Научно проанализированы опубликованные статьи в 11 выпусках сборника, а также представлены выводы из них.

Ключевые слова: Бухарский музей, экспонат, история, П.Э.Корнилов, Ситораи Мохи-Хосса, Муса Сайджанов, П.А.Гончарова, Арк, культурное наследие, выставки, Пайкенд.

Аннотация: Мазкур мақолада Бухоро давлат музей-кўриқхонасиning 100 йиллик тарихи, унинг кўргазмалари билан боғлиқ жиҳатлар ҳақида маълумот берилади. Мақоладаги келтирилган фикрлар музейнинг "Из истории культурного наследия Бухары" илмий тўпламида нашр этилган мақолалар асосида ёзилган. Тўпламнинг 11 сонида эълон қилинган мақолалар илмий жиҳатдан таҳлил қилиниб, ундан олинган хуносалар ҳам тақдим этилади.

Калит сўзлар: Бухоро музей, экспонат, тарих, П.Е.Корнилов, Ситораи Мохи-Хосса, Муса Сайджонов, П.А.Гончарова, Арк, маданий мерос, кўргазмалар, Пойкент

INTERNATIONAL JOURNAL OF PHILOSOPHICAL STUDIES AND SOCIAL SCIENCES

ISSN-E: 2181-2047, ISSN-P: 2181-2039

<http://ijpsss.iscience.uz/index.php/ijpsss>

Vol 2, Issue 3 2022

Бухоро давлат музей-қўриқхонаси 100 йиллигига бағишиланади

Кириш (Introduction)

Бухоро давлат музей-қўриқхонаси ўзининг 100 йиллик тарихи давомида кўплаб экспозиция ва кўргазмалар ташкил қилиб, унинг заҳирахона – фондлари ноёб осори атиқалар билан бойиб борган. Бугунги кунда 135 мингдан ортиқ экспонатга эга бўлган музей-қўриқхонанинг 16 филиал, 2 та доимий кўргазма, жами 18 та филиали мавжуд бўлиб, музейлар тарих, санъат, маданият, этнография, археология, дин сингари соҳаларни ёритиб беради. Ҳар бир музейнинг пайдо бўлиши, унинг экспозициялари маълум бир тадқиқотларнинг обьекти бўла олади. Бухоро давлат музей-қўриқхонаси 1990 йилдан ўзининг илмий нашрига эга бўлиб, “**Из истории культурного наследия Бухары**” номи билан аталувчи тўпламнинг жами 11 та сони мавжуд. Мазкур тўпламдан кўхна шаҳарнинг тарихи ва ҳозирги замони, археологик ўрганилиши, музейда сакланаётган экспонатлар ҳақида ўз даври учун қимматли маълумотларни мужассам қилган мақолалар ўрин олган. Ушбу тўпламда Бухоро музейлари, уларнинг экспозициялари, экспонатлари ҳам кенг ёритиб берилган бўлиб, мазкур мақола Музей ва унинг экспозициялари тарихи ва таърифи масалаларнинг таҳлилига бағишиланади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлил (Literature Review)

Мустакилликка эришиш арафасида музей-қўриқхона илмий фаолияти юксак даражада бўлиб, унда 10 га яқин тарих ва санъатшунослик фан номзодлари фаолият юритарди. Уларнинг аксариятининг илмий тадқиқот натижалари нафақат маҳаллий матбуотда, балки халқаро конференция ва журналларда нашр этилган. Музейнинг тўпламидаги мақолалар илмий аҳамиятга эга бўлиб, ундаги маълумотлар илк манбалар асосида ёзилганлиги билан фарқ қиласади.

Мавзуга доир адабиётларни қуидаги групхларга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Тўпламдан ўрин олган мақолалар.
2. Музей ходимларининг тадқиқотлари
3. Китоб ва конференция материаллари

Тадқиқот методологияси (Research Methodology)

Тадқиқот иши тарихийлик тамоили, хронологик ва қиёсий таҳлил услларига таянади.

Copyright © Author(s). This article is published under the Creative Commons Attribution (CC BY 4.0) licenses. Anyone may reproduce, distribute, translate and create derivative works of this article (for both commercial and non-commercial purposes), subject to full attribution to the original publication and authors. The full terms of this license may be seen at <https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/legalcode>

**INTERNATIONAL JOURNAL OF PHILOSOPHICAL STUDIES AND
SOCIAL SCIENCES**

ISSN-E: 2181-2047, ISSN-P: 2181-2039

<http://ijpsss.iscience.uz/index.php/ijpsss>

Vol 2, Issue 3 2022

Таҳлил ва натижалар (Analysis And Results)

1990 йилдан 2011 йилгача ўтган давр мобайнида нашрдан чиққан тўплам саҳифаларида музейнинг фаолияти билан боғлиқ мақолалар бир (жами 17 та) нечтани ташкил қиласди. Мақолалар Бухоро давлат музей-қўриқхонасининг ташкил топиши, унинг дастлабки фаолияти, янги тузилган музейлар, уларнинг тузилиши, маданий мерос объектларининг музейларга айлантирилиши сингари масалаларни ўз ичига олади. Мақолаларнинг аксарияти тўпламнинг 2-сонидан ўрин олган. Тўпламнинг илк сони учун кириш сўзи муаллифи ўзбек археолог олими Э.В.Ртвеладзедир. [20; 7]

“Из истории культурного наследия Бухары” тўпламида музей билан боғлиқ эълон қилинган мақолалардан 7 таси музей директори Роберт Валиевич Альмееев томонидан ёзилган бўлса, қолган мақолаларнинг муаллифлари Ф.Н.Қурбонов, М.И.Ниязова, Қ.Ж.Жумаев, С.М.Хабибуллина, М.Ш.Пулатова ҳамда бошқа илмий ходимлардир. Айни шу йилларда музейнинг илмий салоҳияти юқори бўлиб, мазкур муассасада 10 га яқин тарих ва санъатшунослик бўйича фан номзодлари фаолият кўрсатар эди. Чоп қилинган мақолаларнинг аксарияти илмий жиҳатдан аниқ ва ишончли манбалар асосида ёзилган ва уларнинг деярли ҳаммаси фундаментал характерга эгадир.

Тўпламнинг биринчи сонида музей директори Р.В.Альмееевнинг Бухоро музейининг ташкил топиши ва ривожланиш босқичларини ўз ичига оловчи мақоласи эълон қилинган. Ушбу мақолада Бухоро музейи ташкил топган вақтлан то мустақилликкача бўлган давр оралиғидаги фаолияти қисқача ёритилган. [7; 8] Муаллиф мақолани тайёрлашда бир неча китоблар, мақолалар, шунингдек архив ҳужжатларига ҳам мурожаат қиласди. Айниқса музейнинг XX асрнинг 30-йилларидағи фаолияти ҳам назардан четда қолмай, бу пайтда музейда қандай гоявий кўргазмалар мавжудлиги ҳақида батафчил маълумот берилган. Музейнинг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари П.Е.Корнилов томонидан ташкил қилинган кўргазмада машҳур рассом Павель Беньков асарларидан ҳам фойдаланилган. Худди шу пайтда унинг “Советский музей” журналининг саҳифаларида бир неча мақолалари эълон қилинади. Мақоладан маълум бўладики, 1931 йилда Бухоро амирларининг ёзги саройи Ситораи Мохи-Хосса саройида ҳалқ ҳунармандчилиги – амалий санъат намуналари намойиш этилган кўргазма ташкил қилинади. Мақоланинг сўнгидаги муаллиф янги ташкил қилинган ва тузилиши режалаштирилаётган музейлар ҳақида ўзининг фикрини баён қиласди. Орадан бироз вақт ўтгач, Р.В.Альмееевнинг “Бухоро – город музей” номли китobi ҳам нашрдан чиқди. [6; 14]

Маълумки Бухоро давлат музей-қўриқхонаси молиявий томондан яхши таъминланмаганлиги учун фаолиятини бошлаганига хеч қанча ўтмай ёпиб қўйилган. [10; 11] 1927 йилда Бухорода музей қайтадан ташкил қилинади ва янгидан янги экспонатлар билан бойитилган. Аммо музей фаолияти бу йилларда буткул тўхтаб қолмаган. Унинг шу вақт оралиғидаги фаолиятини архив материаллари асосида Тарих бўлими мудири Махсума Ильсовна Ниязова ёритиб берган. [18; 33] Бухоро музейи дастлаб ташкил қилинган вақтда Арк қалъсида бўлмаган. Ўзининг икки йиллик фаолиятидан сўнг музей 1924 йилнинг охирида вақтинча ёпиб

Copyright © Author(s). This article is published under the Creative Commons Attribution (CC BY 4.0) licenses. Anyone may reproduce, distribute, translate and create derivative works of this article (for both commercial and non-commercial purposes), subject to full attribution to the original publication and authors. The full terms of this license may be seen at <https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/legalcode>

**INTERNATIONAL JOURNAL OF PHILOSOPHICAL STUDIES AND
SOCIAL SCIENCES**

ISSN-E: 2181-2047, ISSN-P: 2181-2039

<http://ijpsss.iscience.uz/index.php/ijpsss>

Vol 2, Issue 3 2022

кўйилган (яъни музей томошибинлар учун берк бўлган). Шу вақт оралиғида музейнинг фаолиятини қайтадан ташкил этиш ишига Муса Сайджонов ва Б.И.Буткевичлар жонбозлик кўрсатишган. Мақоланинг адабиётлар рўйхатига қараб шундай хуносага келиш мумкинки, асосий маълумотлар Бухоро музейининг архив хужжатлари асосида ёзилган бўлиб, навбатдаги тадқиқотларда мазкур архивга яна мурожаат қилиш мумкинлигини кўрсатади. Шунингдек мақолада музей биноси, унинг янгиланган кўргазмасида қандай ашёлар – экспонатлар тақдим этилиши режалаштирилаётганлиги, музейнинг 1927 йил 1 марта очиш учун тайёр ҳолатга келтирилганлиги сингари қимматли маълумотлар ҳам муаллиф эътиборидан четда қолмаган.

Музейнинг XX аср 30-йиллардаги фаолияти – асосан унинг директори Ҳалим Ашурев ҳақидаги қизиқарли мақола ҳам тадқиқотчилар диққатини ўзига тортади. Ундаги маълумотлар архив хужжатлари асосида ёзилган бўлиб, тадқиқотимиз давомида ҳали бу архив манбаларини тўлиқ ўрганиш имкониятига эга бўлмадик. Мақоладан маълум бўладики, Ҳалим Ашурев фаолияти музейда 1930 йилдан бошланади. [17; 115] Бу вақтда музей ҳали Кўкалдош мадрасаси ичидаги бинода жойлашган эди. Жорий йилнинг ўзида мадрасанинг дарсхонасида амирлик тарихи ва жадидлар ҳаракатини кўрсатиб берувчи кўргазма ташкил қилинади. [5; 8] Худди шу даврдан бошлаб музей фаолиятини ривожлантириш ишлари сезиларли даражада жонлана бошлайди. Музей бу пайтда В.Л.Вяткин, В.А.Шишкен сингари олимлар билан ҳамкорлик қилас, мазкур муассасада эса П.А.Гончарова фаолият юритар эди. Энг қизиқарли жиҳати қишининг совуқ кунларида музейни ёпишга тўғри келганлиги бўлиб, музей маъмурияти бу борада юқори турувчи ташкилотларга мурожаат қилишга мажбур бўлган. [5; 9] Иккинчи жаҳон уруши йилларида эса музей бир неча кўргазмалар биланги чекланган ва музей консервация ҳолатида бўлган. [2; 12] Фақат 1947 йилда музей Арк қалъасига кўчиб ўтган ҳамда бино билан боғлиқ бўлмаган Табиат ва Совет бўлимлари экспозициялари мазкур иншоотдан ўрин олган.

Тўпламдан Бухоро хукмдорларининг ёзги саройи Ситораи Мохи-Хоссада ташкил этилган музей ҳақидаги маълумотлар ҳам жой олган. Ушбу музей тарихи ва унинг экспозицияси билан боғлиқ мақолалар тўпламнинг 3 та сонидан чоп этилган бўлиб, мақолаларнинг муаллифи Қорёғди Жумаев ҳамда Ғолиб Қурбоновлар саналишади. Илк мақола муаллифлар томонидан №3 сонда нашр этилган бўлиб, сарой, унинг тузилиши ва қурилиши билан боғлиқ бўлган қизиқарли маълумотлар берилган. Дастребаки музей экспозицияси 1927 йилда фақатгина саройнинг бош биносида жойлашган ва “Сўнгги амирлар турмуш тарзи” деб номланган. [16; 93] 1933 йилга келиб Бухоро музейига туманлараро ўлкашунослик музейи мақоми берилди ва унинг экспозицияси янгиланишига сабаб бўлди. Ёзги саройдаги кўргазма ўзининг ҳашамати билан ҳам алоҳида ажralиб туришини алоҳида таъкидлаш жоиз, зеро мазкур музейда халқ амалий безаги санъати намуналари намойишга кўйилган эди. Мақоладан музей учун хавф солиши мумкин бўлган ҳолатлар (!) ҳам ўз аксини топган, жумладан музей биноси ўрнида саройни тўлиқ Дам олиш уйи ихтиёрига ўтказилиши борасидаги буйруқлар, музей маъмуриятининг катта қийинчиликлар эвазига бўлса-да музейни сақлаб қолиш учун қилган ҳаракатлари ҳам батафсил баён этилган. Музейнинг экспозицияси ҳам алоҳида таърифланган бўлиб, экспозициялардан асосан халқ амалий безак санъати намуналари бўлмиш – қаштачилик,

Copyright © Author(s). This article is published under the Creative Commons Attribution (CC BY 4.0) licenses. Anyone may reproduce, distribute, translate and create derivative works of this article (for both commercial and non-commercial purposes), subject to full attribution to the original publication and authors. The full terms of this license may be seen at <https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/legalcode>

**INTERNATIONAL JOURNAL OF PHILOSOPHICAL STUDIES AND
SOCIAL SCIENCES**

ISSN-E: 2181-2047, ISSN-P: 2181-2039

<http://ijpsss.iscience.uz/index.php/ijpsss>

Vol 2, Issue 3 2022

заргарлик, зардўзлик, гиламбофлик, кандакорлик сингари хунармандчилик намуналари кенг ўрин эгаллаган эди. [15; 121] Музейнинг йўлкўрсатгичидан эса фақаттина хунармандчилик намуналарининг таърифи эмас, балки уларнинг яралиш тарихи, хунарнинг қадимги даврдаги кўриниши ва ҳозирги намуналарнинг мутаносиблиги ҳолатлари ҳам ўрин эгаллаган. Уларнинг тарихини ёзишда эса муаллифлар турли хил тарихий манбаларга ҳам бевосита мурожаат қилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Биргина матолар ва улардан тайёрланадиган буюмлар (кўйлак, салло ва б.) хақида маълумотларни келтириб ўтиб, ўрта аср тарихчиларининг фикрлари иқтиbos сифатида келтирилади.

Бухоро давлат музей-қўриқхонасининг тўплам нашр қилинадиган давр оралиғида янги музейлари фаолияти бошланди. Бухоро сув таъминоти тарихи, Бухоролик бой савдогар уй музейи, Қадимги Пойкет тарихи музейи, Заргарлик кўргазмаси фикримизнинг далилидир. [11; 67] Булар орасида ўзига хос ўринга эга бўлгани ва ўз соҳаси бўйича Мустақил Давлатлар Ҳамкорлигига ягона бўлгани Бухоро сув таъминоти музейи бўлиб, дастлаб алоҳида эмас, балки Табиат бўлимининг доимий кўргазмаси сифатида фаолият юритади. Тўпламда мазкур музей экспозицияси ва йўлкўрсатгичи берилган бўлиб, музейда намойиш этилаётган экспонатлар, уларнинг аҳамияти, ёрдамчи воситалар, Бухорода сув билан боғлиқ жараёнлар, сув иншшотлари, Бухорода сув орқали тарқалган касалликлар ва унинг тарихи, Арк қалъаси олдида барпо этилган Шухов минораси ва бошқалар хақида маълумотлар учрайди. [21; 54]

Орадан кўп вақт ўтмай Бухоро музейининг филиаллари сони яна биттага кўпаяди. Бир неча йиллик уринишлардан сўнг, Бухоронинг бой савдогарларидан бири Убайдулла Хўжаев яшаган уйни музейлаштириш масаласи долзарб бўлиб қолди. Бу ерда Файзулла Хўжаев (Ҳозирда Бухоролик бой савдогар) уй музейи ташкил қилиш ҳаракатлари бошлаб юборилди. 1996 йилга келиб, бу ерда музейининг янги экспозицияси ташкил қилинди. [19; 23] Бу кўргазма давлат арбобининг 100 йиллиги арафасида ташкил этилган бўлиб, ўзида жуда қизиқарли маълумотларни мужассам қилган эди. Аслида Бухоро музейи 1989 йилдаёқ маданий мерос обьекти саналган хонадонни таъмирлаш борасида ишлар олиб борган бўлиб, 1991 йилда музейни ташкил қилиш ишлари бошлаб юборилади.

Музей тўпламидан ўрин олган мақолалардан бири маданий мерос обьектларини музейлаштириш борасида бўлиб, 1986-1991 йиллар оралиғида шундай биноларда 15 та янги кўргазмалар ташкил қилинган. Уларнинг аксарияти кейинчалик музей-қўриқхонанинг филиалларига айлантирилган. [3; 37] Бухоро туризмнинг муҳим обьекти бўлганлиги учун бундай учул маҳаллий ва хорижий сайёларга қулайликлар яратади. Зеро, маданий мерос обьектларидан фойдаланиш уларнинг сақланиш ҳолатини яхшилашга ва уларнинг кўпроқ муддат хизмат қилишига замин яратади. Музейлаштириш тенденцияси бу борада яхши натижаларни бера олди. Бухоронинг тарих қисмида мавжуд бўлган иншоотларнинг аксариятида музей-қўриқхонанинг кўргазма ва филиаллари мавжуд. Мазкур йилларда биринчилардан бўлиб музейлаштирилган обьект Абдулазизхон мадрасаси бўлиб, унда “Бухоро ёғоч ўймакорлиги” кўргазмаси ташкил қилинади. Аммо ташкил қилинган кўргазмаларнинг ҳаммаси ҳам бугунги кунда мавжуд эмас, жумладан Иброҳим Охунд масжиди, Боло-Ҳовуз ва Ойбинок масжидларида

Copyright © Author(s). This article is published under the Creative Commons Attribution (CC BY 4.0) licenses. Anyone may reproduce, distribute, translate and create derivative works of this article (for both commercial and non-commercial purposes), subject to full attribution to the original publication and authors. The full terms of this license may be seen at <https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/legalcode>

**INTERNATIONAL JOURNAL OF PHILOSOPHICAL STUDIES AND
SOCIAL SCIENCES**

ISSN-E: 2181-2047, ISSN-P: 2181-2039

<http://ijpsss.iscience.uz/index.php/ijpsss>

Vol 2, Issue 3 2022

ташкил қилинган кўргазмалар, кейинчалик маълум сабабларга кўра ўз фаолиятини тўхтатган. Тўпламдаги мақолалар орасида улар бир неча маротаба эслатиб ўтилган.

Маданий мерос обьектлари музейлаштираётган бир пайтда археологик қазишмалар ўтказиладиган обьектлар ҳам эътибордан четда қолмади. Шундай муҳим тадқиқот маркази бу Пойкенд археологик ёдгорлиги саналади. Ташкил этиладиган музейда шу жойдан топилган ноёб осори атиқаларни намойиш этиш асосий мақсадлардан бири эди. 2002 йилга келиб, бу жойда илмий концепция асосида музей ташкил этиш ва унинг биносини қуриш тугалланган эди. [1; 11] Бухоро музей-қўриқхонасининг бир неча филиалларида Пойкент шахар-қўрғонидан топилган бир қанча экспонатлар намойишга қўйилган бўлиб, уларнинг кўпчилиги Тарих илмий бўлими кўргазмалардан ўрин олган. Пойкент қўрғони атрофида музей ташкил қилингандан кейин, унинг таркибида заҳирахона ҳам тузилган ҳамда у музей-қўриқхона Археология фонди таркибига киради. Пойкент қўрғонидан топилган осори атиқалар энди тўғридан тўғри музейга тақдим этиладиган бўлди. Музейни ташкил қилиш уч босқичларда амалга оширилган бўлиб, [4; 7] нафақат музей илмий ходимлари, балки Эрмитаж музейи ходимлари ҳам жонбозлик кўрсатишган. Музей экспозицияси З қисмдан ташкил топган бўлиб, Пойкендинг иқтисодий-сиёсий, ижтимоий-маданий ҳаётини ёритиб беришга хизмат қиласди.

Музейнинг кўргазмалари орасида “Бухоро заргарлиги тарихи” экспозицияси ҳам тўпламдан ўрин эгаллаган. Мазкур кўргазма 1994 йилда ташкил қилинган. [8; 112] Экспозицияни яратувчилар Раиса Константиновна Типаева ҳамда И.Лукъянецлардир. Мазкур экспозиция Бухоро тасвирий санъат музейида ташкил қилинган. Шунингдек, 2019 йилда Арк вилоят ўлкашунослик музейи Санъат ва этнография илмий бўлими таркибида “Бухоро заргарлиги ва мис ўймакорлиги” кўргазмаси ўз иш фаолиятини бошлади. [12; 40] Дастребаки кўргазмадан мил.авв. II-I асрларга тегишли заргарлик буюмлари, ўрта асрларга хос тангалар, XIX-XX асрларга оид тақинчоқлар ва зеб-зийнат буюмлари ўрин эгаллаган: сирға, бўйин туморлар, билагузук, кўкрак безаклари, сочпопуклар, нойча тилла, камарлар ва бошқалар. Бундай буюмлар таркибан хилма хил бўлиб, асосан кумуш, ақиқ, рангли шиша ва тошлар, садаф, мис ва бошқа маҳсулотлардан тайёрланган бўлиб, техникаси эса зарҳаллаш, эмаль қоплаш, тоблаш, нозик нақш билан ишлов бериш (филигрань), болғалаш, қолиплаш сингари услубларда бажарилган. Тўпламда кўргазмадан қандай экспонатлар ўрин олганлигини ифодаловчи чизма суратлар ҳам мавжуд. Янги экспозициянинг аввалгисидан фарқли жиҳати бунда турли хил қутича-ю сандиқчалар, қандакори буюмлар (дастшуй, ғаладон, кўза, офтобалар) қимматбаҳо тошлар, камарлар намойиш этилмоқда.

Мазкур тўпламдан музейнинг замонавий технологиялари ва сайёҳларга яратилган қулайликлар ҳақидаги маълумотлар ҳам ўрин олган. Масалан, 2002 йилдан бошлаб музей экспонатларини электронлаштириш тизими сифатида “Очиқ хазина” марказининг иш бошлаши ва унинг фаолиятига қисқача тўхталиб ўтилган. Айни шу даврда музей экспонатлари сони 110 мингга яқинни ташкил қиласди. [9; 20] Кейинги йилларда музейлар тизимида SKM программаси электронлаштиришда фойдаланилган бўлса, сўнгги уч йилликда Goskatalog.uz сайтидан музей экспонатлари ҳақида маълумот олиш имконияти пайдо бўлди.

Copyright © Author(s). This article is published under the Creative Commons Attribution (CC BY 4.0) licenses. Anyone may reproduce, distribute, translate and create derivative works of this article (for both commercial and non-commercial purposes), subject to full attribution to the original publication and authors. The full terms of this license may be seen at <https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/legalcode>

**INTERNATIONAL JOURNAL OF PHILOSOPHICAL STUDIES AND
SOCIAL SCIENCES**

ISSN-E: 2181-2047, ISSN-P: 2181-2039

<http://ijpsss.iscience.uz/index.php/ijpsss>

Vol 2, Issue 3 2022

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations)

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Бухоро давлат музей-кўриқхонаси ўзининг кўп йиллик тарихи давомида бир неча ўзгаришларга учраган, унинг бўлим ва филиаллари сони ортиб борган. Музейнинг катта коллекцияси мавжуд бўлиб, унда 135 мингдан ортиқ осори-атиқалар сақланади. Мазкур экспонатларни илмий жиҳатдан ўрганиш ишлари давом этмоқда, бу борада нафақат музей ходимлари, балки бошқа ташкилот ва илмий тадқиқот муассасалари ҳам жонбозлик кўрсатишмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Алмеев. Дунё ардоғидаги шаҳар. // Мозийдан садо. 2002, №1 (13). –Б. 11
2. Альмеев Р. В. Из истории Бухарского государственного музея-заповедника // Из истории культурного наследия Бухары. – Вып. 6. – Бухара: Обл. типография, 1998. – С. 3–20
3. Альмеев Р. В. Из истории Бухарского государственного музея-заповедника // Из истории культурного наследия Бухары. – Вып. 3. – Бухара: Обл. типография, 1994. – С. 3–20 №3 С.50
4. Альмеев Р. В. Музеификация памятника археологии древнего городища Пайкенд. // Из истории культурного наследия Бухары. – Вып. 9. – Бухара: «Бухара», 2004. –С. 4-13
5. Альмеев Р. В. Основные этапы истории и развития Бухарского государственного музея-заповедника // Из истории культурного наследия Бухары. – Вып. 7. – Бухара: «Бухара», 2001. – С. 5–18
6. Альмеев Р.В. Бухара – город музей. -Тошкент: “Фан”,1999. Б-90.
7. Альмеев Р.В. История Бухарского музея-заповедника в контексте культурного и экономического развития региона // Из истории культурного наследия Бухары. – Вып. 1. – Ташкент: Узбекистан, 1990. – С. 8–15.
8. Альмеева Д. Р. Экспозиция ювелирного искусства Бухары. // Из истории культурного наследия Бухары. №4. -Бухара, 1995. -С. 112-125
9. Арсланова Ф.Ш. Бухарский музей-заповедник и новые информационные технологии. // Из истории культурного наследия Бухары. – Вып. 9. – Бухара: «Бухара», 2004. –С. 18-21
10. Болтаев А. Х. Бухородаги биринчи музей // Мозийдан садо. – 2017. – № 3. – С. 10–11.
11. Джураев Ш. Из истории Бухарского государственного музея-заповедника. Создание музеев и выставок. // Культура и взаимодействие народов в музейных, научных и образовательных процессах - важнейшие факторы стабильного развития стран Евразии. Омск, 21–24.09.2021., С. 67-73.
12. Джураев Ш. Сбор ювелирных изделий и создании выставки в Бухарском музее. // “Бухоро тарихи масалалари” мавзусидаги илмий-амалий конференция. Бухоро, 26.06.2021., Б. 39-44.

**INTERNATIONAL JOURNAL OF PHILOSOPHICAL STUDIES AND
SOCIAL SCIENCES**

ISSN-E: 2181-2047, ISSN-P: 2181-2039

<http://ijpsss.iscience.uz/index.php/ijpsss>

Vol 2, Issue 3 2022

13. Джураев Ш. Толкование уникальной книги в Бухарском музее //Россия-Узбекистан. Международные образовательные и социально-культурные технологии: векторы развития. – 2019. – С. 146-148
14. Джураев Ш. Г. Фотоколлекция Прокудина-Горского, посвящённая Бухаре photo collection of prokudin-gorsky dedicated to bukhara //П76 Приоритетные векторы развития промышленности и сельского. – 2020. – С. 20
15. Жумаев К. Ж. XIX аср охири – XX аср Бухоро бадиий каштачилик музейи. // Из истории культурного наследия Бухары. – Вып. 7. – Бухара: «Бухара», 2001. – С.121-127.
16. Жумаев К. Ж. Ситораи Мохи-Хосса сунгги Бухоро амирларининг ёзги саройи – халқ амалий безак санъати музейи // Из истории культурного наследия Бухары. – Вып. 8. – Бухара: «Бухара», 2001. – С. 92–97.
17. Касымов Ф. Х. Жизнь, отданная борьбе // Из истории культурного наследия Бухары. – Вып. 8. – Бухара: «Бухара», 2001. – С. 114–120
18. Ниязова М. И. Из истории деятельности Бухарского музея (1925–27 гг.) // Из истории культурного наследия Бухары. – Вып. 2. – Бухара: «Бухара», 1994. – С. 31–38.
19. Пулатова М. Некоторые сведения из истории дома-музея Ф. Ходжаева // Из истории культурного наследия Бухары. – Вып. 9. – Бухара: «Бухара», 2004. –С. 18–30.
20. Ртвеладзе Э.В. Вместо предисловия. // Из истории культурного наследия Бухары. – Вып. 1. – Ташкент: Узбекистан, 1990. – С. 7
21. Хабибулина С.М. История снабжени Бухары. // Из истории культурного наследия Бухары. Выпуск №3. –Бухара. -1994 г. С. 54
22. Temirov F., Umarov B. Practical application of family, marriage and inheritance rights in bukhara emirates // Scientific progress. - 2021. - T. 2. - №. 1. - S. 1201-1207.
23. Temirov F. Xalikova N. From the history of foreign policy and development of diplomacy in the emirates of bukhara // Scientific progress. - 2021. - T. 2. - №. 1. - S. 1276-1282;
24. Temirov F. PUBLISHING AND LIBRARY ACTIVITIES OF THE TURKESTAN JADIDS. International Journal of Intellectual and Cultural Heritage. Volume: 2 Issue: 01 | 2022
- 25.Temirov F. Of the journalistie work of Sadriddin Ayni Concerning Issues of Bukhara history. Irish Interdisciplinary of Science & Research (IIJSR) Vol.6, Iss.1.Pages,12-17. January-March 2022.